

ВОҶЕАНОМАЙИ ПОДШОҲИЙ

[Олимжон Жўраев], Жамолиддин Жўраев

Аннотация

Ушбу мақолада Бобурнинг барча асарлари ҳақида эмас, балки жаҳон олимлари-ю фузалоларини ва бошқа тарихий асарлар ишқибозларини ҳам лол қолдириб келаётган “Бобурнома” ҳақида айрим мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Бобурнома, арбоб, Қобул, Ҳумоюннома, саркарда, лирик, олим, тарихчи.

Аннотация

Эта статья не только обо всех произведениях Бобура, но и о Бобурноме, что поражает ученых и любителей других исторических произведений.

Ключевые слова: Бобурнома, арбоб, Кабул, Хумаюннома, саркарда, лирик, ученый, историк

Annotation

This article contains some comments not only about all of Bobur's works, but also about "Boburnoma", which has amazed scholars and fans of other historical works.

Keywords: Boburnoma, arbob, Kabul, Humoyunnoma, sarkarda, lyric, scholar, historian.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби, саркарда, табиатан туғма ва истеъдодли шоир, адиб, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимондир.

Бобур адабиёт, санъат, тарих ва илм-фаннинг турли соҳаларида жуда қимматли асарлар ёзиб қолдирган. Унинг лирик асарлари, “Бобурнома”си, арузга доир “Рисолаи Аруз” номи билан машҳур бўлган “Мухтасар”и, “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, “Мусиқа илми”, Хожа Ахрор Валийнинг “Волидия”

асарининг шеърӣ таржимаси ҳақида жуда завқ билан, илҳом билан сўз юритиш, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонлари ҳақида гапириш мумкин.

“Бобурнома” ҳақида сўз юритишдан олдин Бобур ижоди билан шуғулланган, хусусан, ”Бобунома” асари устида сўз юритган, унинг асарларини нашр эттирган захматкаш олимларнинг номини эслаб ўтиш, уларга бўлган ҳурматимиз рамзи сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. “Бобурнома” ҳақида биринчи бор сўз юритган ва асарнинг дунёга келиши ҳақида бизга хабар берган Бобурнинг энг гўзал хулқли, олима ва ижодкор кизи- Гулбаданбегимдир. У “Ҳумоюннома” асарида Қобул ҳоқимияти ҳақида сўз юритар экан отаси “Фирдавс макон”(Бобур) нинг “Воқеаном”да “ гарчи бу сўзлар подшоҳ Бобом ҳазратларининг воқеаномаларида айтилган бўлса ҳам, улар табаррук тутиб, қисқача ёзилади” бунга далил бўлувчи фикрлар кўп айтилган...” деб асарнинг ҳаққоний, далилларга бойлигини буюк инсонлар тарбиясини кўрган фарзандларга хос нозик ишоралар орқали отасининг ҳаёти ҳақида холисона таъриф ва тавсифлар берган бўлса, Овропа ва бошқа юрт таржимон ва олимлари: Витсон, Джон Лейдин, В. Эрскин, Р.М. Каленот, Пове де Куртейл, Денисон Рос, А.Бевериж хоним, Лен-Пуль, В.Х.Мореланд; Рус олимларидан: Н.И.Пантусов, И.Поляков, Н.Веселовский, В.В.Вяткин, А.Самайлович, В.Бартольд; Афғон олимларидан: Аҳмад Али Коҳзод, Абдулҳай Ҳабибий, Гулчин Маоний; Ҳинд олимларидан: Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, С.А.Шарма, Р.П.Трипатхи, П.Сарон, Канунга; Турк олими- Фуод Купрулизода, шунингдек, Ўзбек олимларидан: Ҳ.Ёқубов, В.Зоҳидов, Алиев, А.Қаюмов, М.Ҳамраев, Саидбек Ҳасан, Гайбулла ас-Салом, Неъматулло Отажон, Исматуллахон Мирзаев, Ваҳоб Раҳмон, Ж.Жўраев; тарихчи олимлардан; С.Азимжонов, А.М.Беленицкий, Н.А. Болдирёв, Миклухо-Маклай, Мачанов, Р.Набиев, П.И.Петров, А.А.Семёнов, А.Ю.Якубовский, Я.Ғуломов ва бошқалар унинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида ўзларига керакли йўналишда иш олиб борган ва сўз юритганлар.

Ажабланарлиси шундаки, “Бобурнома”нинг ёзилиш тарихи ҳақида Бобур ўзининг бир рубойида:

Бу олам аро ажиб аламлар кўрдум,

Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.

Ҳар ким бу “Вақоеъ”ни ўқир, билгайким.

Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум, -деган

ижодкор, “Бобурнома”нинг ўзида асарнинг номланиши ҳақида: “Хожа Калон Хожа Яҳёнинг набираси мендин битийтурган воқеийни тилайдур эди,истиктоб қилдуруб эрдим, Шаҳрикдин йибордим”,- деб асарнинг асл номи ҳақида маълумот берса-да дунё тилларига бу шоҳ асар турли номлар билан таржима қилинган: “Воқеоти Бобурий”, “Вақойеъ”, “Воқеаномайи подшоҳий”, “Табоқоти Бобурий”, “Тузуки Бобурий”, “Воқеанома”. “Бобур подшоҳнинг таржимаи ҳоли”, “Бобурия”, “Бобур мемуарлари”, “Эсдалиқлар”, “Бобур тарихи”, “Ғаройиб таржимаи ҳол”, “Шарҳлар”, “Маъмурнома”, “Бобур нинг ҳаёти”, “Тузук”, “Подшоҳнома”, “Бобур хотироти”, “Бобур битиклари”, “Бобунома инглиз тилида” ва бошқа номларда нашр этилган.

“Бобурнома” эсдалиқлар-меъмуар асар бўлиб, Бобур ўзи тахтга ўтирган кундан бошлаб то умрининг охиригача бўлган давр воқеаларини ёзиш бароборида, ўзи кўрган ўлкалар ва улардаги ҳайвонот ва наботот олами ҳамда у ерлардаги захираларнинг жойи ва номини аниқ кўрсатган. Масалан, “Фарғона вилояти бешинчи иқлимдадур. Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур. Шарқи Қошғар, Ғарби Самарқанд, Жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар...Элининг орасида хусн хили бордур. Юсуф Ҳожиким мусиқийда машхурдир. Андижонийдур. Ҳавосининг уфунати(бадбўйлик)бор. Кўзлар эл безгак кўп бўлур...” ва ёки тарихий шахслар ҳақида сўз юритганда ҳам жуда аниқ,, характерли фикрлар баён қилган. Отаси Умаршайх ҳақида: “...Султон Абусаид Мирзонинг тўртинчи ўғли эрди...Ҳанафий мазҳаблиқ. Покиза эътиқодлиқ киши эрди... Равон саводи бор эрди...Бисёр саховати бор эрди... тақриб била хуб абёт ўқур эрди... Ҳамиша нард ўйнар эрди, гаҳи

кимор ҳам қилур эрди...” Бундай тасвирлар шуни кўрсатадики, Бобуршоҳ ҳар қандай ҳолатда ҳам ким ва қаер ҳақида сўз юритганда жуда аниқ ва холис маълумот беришга алоҳида эътибор берган. Бундай тадқиқот мамлакатлар тарихини, миллат ва элатлар тарихини, географиясини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳар бир тадқиқотчи бу асарни ўрганишга киришганда ўзига керакли бўлган далилларга эътибор берган. Бу ҳақда “Жаҳонгашта Бобурнома” асарининг муаллифлари қуйидагича ҳаққоний хулоса чиқарадилар. “..Аксар ҳолларда муносабат мақсадга қараб белгиланади. Чунончи, Машриқ таржимонларида (масалан туркча) миллий тарихий воқеалар, шахсининг ўтмишдаги ўрни, салтанат ва ижрони ёритишда ҳалоллик ва ижодий туйғу уфуриб туради. Мағрибий таржималарга ёзилган муқаддималарида эса (масалан, Лейдин-Эрскин таржимасига берилган “Муҳаррир муқаддимаси” ҳамда кириш мақоласида) асосан, асарнинг ҳолати, қўлёзмалар билан бирга, ўлканинг муфассал жуғрофий вазияти, Мовароуннаҳрга кириш ва чиқиш йўллари, тоғлар, даралар, водийлар, дарё ҳамда сув ҳавзалари, қоялар ва пасттексисликлар, ерларнинг ҳосилдорлик даражаси, табиий бойликлар, конлар, аҳолининг жойлашиш тартиби, ички дунёси, руҳияти, урф-одатлари ва ҳоказолар майда чўйдасигача ўрганилган. Бирида қадимий- тарихий қиёфа, иккинчисида тарихий-жуғрофий ҳолат”. Бу хулосадан маълум бўладики, Бобур ҳаёти ва ижодига ҳар ким ўз нуқтаи назаридан, аниқроғи мақсадига мос йўналишда ўрганган, ёндошган. Масалан, буюк сиёсат ва давлат арбоби Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш раҳбарларидан бири ва унинг Бош вазири Жавоҳарлал Неру “Дунё тарихига назар “асарида Бобур шахсига шундай баҳо берган: “Бобур беқиёс даражада маданий, дилбар шахслардан бири эди. У мазҳабпарастликка хос маҳдудлик ва диний мутаассибликдан йироқ эди. Аждодлари каби вайронагарчилик билан шуғулланмади. Бобур санъат ва адабиётга қизиқар, ўзи туркий ва форс тилда шеърлар битар эди. У гуллар ва боғларни севар ва жазирама Ҳиндистонда Ўрта Осиёдаги ватанини тез-тез эслаб турарди,” -деб алоҳида ҳурмат ва

эхтиром билан тилга олган бўлса, Француз олими Лен-Пуль: Бобурнинг биографик асар ва адабиёт борасида тутган ўрни, унинг дадил саргузаштлари ва фаолияти билан, буларни ҳикоя қилган ажойиб мемуарлари билан белгиланади. Бобур жангчи бўлишига қарамасдан, нозик адабий завққа эга бўлган ва турмушни танқидий идрок этган киши эди. У маданий тил ҳисобланган форс тилида ва ўз она тилиси турк (ўзбек) тилида асарлар ёзган ўқимишли шоир эди. Туркча ёзганда хоҳ прозада бўлсин, хоҳ поэзияда бўлсин, соф ва содда услубнинг устаси эди... Унинг мемуарлари бир аскарнинг ҳарбий юриши ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтар эмас, уларда Шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, улар ҳақида дадил ҳукм юритувчи бўлган бир кишининг ва табиат муҳибининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган.

Унинг ўз портретини чизишдаги самимийлиги, фазилат ва нуқсонларини ҳам тасвирлаши, очиқ кўнгуллиги, ҳаққонийлиги ва ажойиб ҳазилкашлик туйғуси унинг гўзал мемуарларининг эътиборини янада оширади” деб ҳурмат билан куюниб ёзади.

Бобурнинг қандай киши эканлиги ҳақида, айниқса, унинг нозик дидлиги, инсонпарварлигини, у билан бирга бўлиб кўп ҳолларни бошидан кечирган қизи ва атрофидаги кишиларнинг айтишларича ўта кучли эҳтирос соҳиби, паҳлавон саркарда бўлиш билан бирга юмшоқ табиатли, нозик ҳиссиётли, кўнгли бўш киши бўлган. Яқинларидан бирор киши вафот этса ва ёки касал бўлиб қолса, қаттиқ қайғурган, ўпкаси тўлиб йиғлаган, узок вақтлар кўз ёшини тўхтатаолмаган. Бу ҳақда Гулбаданбегим “Хумоюннома”да ёзишича Хумоюн бетоб бўлиб қолганда Бобур “...Худоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менки Бобурман, умр жонимни Хумоюнга бағишлайман!” деб нола қилган, ўзи ўлим тўшагида ётса-да ўғулларини сўраб турган. Уларни бир-бирига меҳрибон ва иттифоқ бўлиб яшашларига ундаб, насиҳатлар қилган. Шу ўринда Бобурнинг ўғулларига ёзган хатларидан наъмуналар келтириш Бобиршоҳнинг буюк инсоний

киёфасини, унинг элпарварлиги, тинчлик учун доимо ҳаракат қилиб келган, халқлар ўртасида тинчлик ва осойишталикни улуғлаб мазҳаб ва бошқа халқлар, миллатлар ва мазҳаблар ўртасига ружу қилувчи эътиқодлардан юқори турувчи буюк инсонни кўрамиз. Булар Бобур шахсини тўғри ўрганиш ва тушунишимизга ёрдам беради:

“ Алҳадулиллоҳ!

Мамлакат(салтанат)нинг пойдеворига ёйилган.

Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат.Субҳонолло таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшоҳга яхши назар билан боғланади. Подшоҳ фармониға бўйсунган халқни хароб қилмагин. Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ раиятдан, раият шоҳдан хотиржам бўлади. Исломнинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдир, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзунгни юм. Чунки,исломға қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади.

Биз етказиб қўямиз, халос.

Жумоди ул- аввал ойининг биринчиси,935 ҳижрий сана.”

...Келтирилган далллар шуни кўрсатадики, “Бобурнома” дилбар ва мард киши томонидан битилгани учун унда умуминсоний туйғуларининг турли ҳолатдаги кўринишлари ўз аксини топганлигидан бўлса керак дунёнинг турли тилларига таржима қилинган ва ўзларига маъқул бўлган номлар билан атаганлар.

Жумладан, Форс тилиға тўрт марта, тўрт марта Инглиз тилиға,тўрт марта Рус тилиға, Олмон, Француз, Турк тилларига икки мартадан, Ҳолланд,

Италян, Ҳинд, Урду, Япон, Поляк ва Уйғур тилларига бир мартадан таржима қилинган.

Лекин, шуни алоҳида эслатиш лозимки, инқилобгача ва инқилобдан кейинги йилларда Бобур ҳаёти ва ижоди, хусусан, унинг илмий ва бадиий асарлари турли баҳоналар билан тўлиғича ўрганилмай, унинг асарларига турлича муносабат билдириб келдилар.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан кейин Республикамиз Бринчи Президенти И. Каримов, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ҳақидаги қуйидаги фикрлари алоҳида диққатга лойик: “Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндошув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йилда бўлган учунчи пленумида Бобур шахси таҳқирланиб. У “маърифатли золим” деб тилга олинди.

Халқимиз... жумҳуриятимиз ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва юртимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутуб олганлиги бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равноқи ва бойишига хизмат қилиб келган эди

Ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало, ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз”, - деганида мутлоқа ҳақ эди.

Бобурнинг фикрлари нотўғри талқин қилиниши туфайли туркийгўй ижод аҳллари асарларига ҳам нотўғри баҳо бериб келдилар. Шу ўринда бир вақтлар айрим Оврупа олимларининг Алишер Навоий ижодига берган баҳолари ва уларнинг шоир ижодига бўлган муносабатларини эслаш кифоя.

Мустақилликдан кейин Бобур ҳаёти ва ижодига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Айниқса, 1992 йили Андижонда Бобур меросини ўрганишнинг кенг йўлга қўйилиши муносабати билан Халқаро анжуманларнинг ўтказилиши ҳамда “Бобур номидаги халқаро

жамғарма”нинг тузулиши. Бу жамғармада Бобурнинг захматкаш авлоди, Зокиржон Машрабовнинг жонкуярлиги ва Саидбек Ҳасановларнинг фидойилиги натижасида “Бобурнома”нинг ҳозиргача нашр этилганлари орасида энг мукамал ва тўлиқ нусхаси қайтадан дунё юзини кўрди.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек, биз ўзлигимизни тўғри англаш учун ўтмиш олимлари ва ижодкорларининг асарларини асл нусхада ўқиб, унга холисона баҳо бериш имониятига эга бўлган эканмиз, эндиги ишимиз ана шу тўғри йўлдан бориб, ўтмиш ота-боболаримиз адабий ва моддий- маданий меросларига тўғри ва холисона баҳо беришдан бошлашимиз ва уларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб , жаҳон афкор оmmasига етказиш бугунги ва келажак авлодларнинг муқаддас бурчи вазифаси бўлмоғи керак.

Адабиётлар:

Jurayev, J. (2020). Muhammad SHayboniuxon -Shayboniylar davlatining asoschisi. Архив Научных Публикаций JSPI, 5(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/466

Jurayev, J. (2020). KOMYOB HAYOTI VA IJODIY MEROSI MANBALARI TADQIQI. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/691

Jurayev, J. (2020). Issledovaniya istochnikov o jizni i tvorcheskom naslediiy Komyoba. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/615

Jurayev, J. (2020). Bobur va Abdulla Qodiriy asarlarida xat yozish qoidalari. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/618

Jurayev, J. (2020). Komyobning "Muntahab ul-voqeot" asari haqida. Архив Научных Публикаций JSPI, 5(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/605

Jurayev, J. (2020). Feruzing tarixchi inisi. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/717

- Jurayev, J. (2020). Komyob asarlarida diniy -ma'rifiy mavzular. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/600
- Jurayev, J. (2020). Feruz oilasidagi she'riyatga bir nazar. Архив Научных Публикаций JSPI, 5(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/462
- Jurayev, J. (2020). Komyobs work @Tavorix ul-xavonin" is e Learning source of national spirit. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/457
- Jurayev, J. (2020). Navoiy va Komyob. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/716
- Jurayev, J. (2020). Komyob she'riyatida Rasululloh siymosi. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/708
- Jurayev, J. (2020). Komyob devoni va undagi forsha she'rlar. Архив Научных Публикаций JSPI, 16(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/858
- Jurayev, J. (2020). Xudojestenno-istoricheskiye proizvedeniya pro Xivinskix xanoa=v. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/688
- Jurayev, J. (2020). Xiva shoirlari ijodida bahor va qish tasviri. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/492
- Jurayev, J. (2020). Badiiy -tarixiy asarlarda onomastik terminlar. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/455
- Jurayev, J. (2020). Tariximizni o'rganish huquhiy burchimizdir. Архив Научных Публикаций JSPI, 5(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/610

Jurayev, J. (2020). Komyobning tarixiy asarlaridagi Ogahiy she'rlaning matniy qiyosi. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/714

Jurayev, J. (2020). Feruzing tarixchi inisi. Архив Научных Публикаций JSPI, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/717

Jurayev, J. (2020). Xaydar Xorazmiyning "Temurbek haqidagi hikoyat"nomli she'riy qissasi. Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/696

Jurayev, J. (2020). Alisher Navoiy asarlari tilini o'rganishda sifatdosh yasovchi vaznlarning o'rni. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/460

Jurayev, J. (2020). Komyob she'rlarida tasavvufiy istilohlar. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/464

Jurayev, J. (2020). Xorazn osmonida uchar yulduz. Архив Научных Публикаций JSPI, 16(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/862

Jurayev, J. (2020). Lexician and Oronim Semantics (On the Example of Toponyms of Jizzakh Region). Архив Научных Публикаций JSPI, 7(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/702

Jurayev, J. (2020). Muaqqad . Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/493